

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ


Жўрақулов Бобирмирзо Носирович

Осиё халқаро университети магистранти

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ўзига хос бошқарув тузилмасига эга бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимни ифодалайди. Барча тармоқларнинг, жумладан, инновацияларнинг ривожланиши қурилиш саноатининг инновацион ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Қурилиш саноатини инновацион ривожлантириш қурилиш маҳсулотларини яратишнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бўлиб, улар объектларнинг таннархини пасайтириш, қурилишнинг меъёрий вақтларини қисқартириш ва объектлар сифатини оширишни ўз ичига олади. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари инвестицияларидан уларни яхлит, шу жумладан инновацияларни ривожлантиришда янада самарали фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Қурилиш мажмуасининг инновацион ривожланиши инновацияларни ишлаб чиқариш ва рағбатлантиришда маркетинг воситаларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Инновацион маркетинг инновацияларни ишлаб чиқаришни режалаштириш, бозорни ўрганиш, алоқа ўрнатиш, нархларни белгилаш, инновацияларни тарғибот қилишни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олган жараёндр.

Инновацион маркетинг концепцияси қурилиш компаниясининг инновацион фаолияти олиб боришда ва қурилиш бозорида истеъмолчиларнинг аниқ мақсадли гуруҳининг эҳтиёжлари қондиришга қаратилган мақсадини акс эттиради. (1-расм)



1-расм. Инновацион маркетинг концепцияси

Маркетинг деб номланадиган жараён товар ишлаб чиқаришнинг асоси сифатида ижтимоий меҳнат тақсимооти бошланган пайтлардан буён эҳтиёжларни қондириш усули ва айирбошлаш билан боғлиқ муносабатларга хос бўлган ҳодиса сифатида мавжуд бўлиб келган. Рақобат курашининг асосий воситаси сифатида маркетингнинг янгича назарий концепциялари хўжалик фаолияти эволюцияси билан бир пайтда ривожланган. Маркетинг инновациялари ва хўжалик фаолияти эволюцияси ўртасида сабаб ва оқибатларнинг вақти-вақти билан ўрин алмашадиган тўғри ва тескари алоқаларнинг мураккаб тизими мавжуд.

Қурилиш мажмуасида инновацион маркетинг ишлаб чиқаришга, сотишга, тарғибот қилишга таъсир қилувчи турли хил усулларни ва инновациялар диффузиясини ўз ичига олади.

Бенчмаркинг (инглизча дастгоҳ - жой, маркинг - белги) ана шундай инновацияларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган усулларга киради.

Бенчмаркинг - маркетингли консалтингнинг қизикарли технологияларидан бири ҳисобланади. Бу-бизнесни олиб бориш усулларидан энг яхшисини топиш ва ўрганиш жараёнидир. Бенчмаркинг - маҳсулот сифатини яхшилаш дастурини ишлаб чиқишни назарда тутувчи рақобатбардошлик концепциясининг эволюцион ривожланиши маҳсулидир. У биринчи марта 1950-йилларнинг охирида Японияда пайдо бўлди. Ғарбда бенчмаркинг ўзининг замонавий маъносида 1979-йилда “Ксерокс”


корпоратсияси томонидан корпоратсия бозор улушининг инқирози билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида қўлланилган.

Бенчмаркинг – бу бошқаларнинг биздан кўра иш услубининг яхши томонларини аниқлаш ҳамда ўрганиш ва қўллашнинг янгича самарали услубларини топиш санъатидир.

Бенчмаркингдан фойдаланиш кўп йўналишлидир. Шундай қилиб, бенчмаркинг мантиқан харидорга яқин соҳада, буюртмани бажариш учун муаммоли вазиятларни тез ва кам харажатлар билан ечишга имкон беради. Бенчмаркинг доирасида тадбиркорлик функцияси товар ёки хизматларни яратувчи ва уларни бозорга сурувчи жараён сифатида таҳлил қилинади. Бунда диққат марказида қуйидаги саволлар туради: Қайси фирма рақобат чўққисиди турибди? Нима учун ўз корхонамиз энг зўр эмас? Етакчи булиш учун корхонада нимани ўзгартириш ва нимани сақлаб қолиш керак? Энг яхши булиш учун қандай стратегияни қўллаш керак? Шундай қилиб, бенчмаркинг таҳлилининг моҳияти шуни кўрсатадики, уни маркетинг тадқиқотлари йўналишларидан бири деб қараш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”.

Қурилиш корхоналарининг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини тадқиқ этиш, миллий товарларимизни хорижий бозорларда тан оладиган брендга айлантириш алоҳида ўрин касб этади. Шу жиҳатдан қурилиш корхоналари учун инновацияларни яратиш ва жорий қилишнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган яна бир усул **брендинг** ҳисобланади. Бренднинг Маркетинг коммуникациялари тизимининг фирма стили ва унинг элементларини ишлаб чиқиш, фирманинг рақобатчилардан ажратиш турувчи ўзига хос имижини яратиш соҳаси ҳисобланади.



3-расм. Бренд зарурияти

Қурилиш компанияси брендининг хусусиятларига бажарилган ишларнинг юқори сифати, лойиҳани яқунлаш муддатига риоя қилиш, ишда ишончилилик, қулайлик, реклама, услуб ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарида инновацияларни қўллаш ва тарғиб қилиш усулларига инжинирингни ҳам киритса бўлади. *Инжиниринг* (инг. инжинееринг — ихтирочилик) муҳандислик-маслаҳат хизматлари — тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш, [махсулот](#) сотишни уюштириш ва бошқалар юзасидан маслаҳат бериш. Бу иш билан махсус ихтисослашган инжиниринг фирмалари, бевосита йирик [саноат](#) ва [қурилиш](#) фирмалари шуғулланади, улар бир вақтнинг ўзида бир неча миқозларга хизмат қилади. Инжиниринг моҳияти билан муайян пулли хизматларга буюртманинг бир кўринишидир. Инжиниринг компаниялари асосан инженерлик-маслаҳат хизматлари, яъни тижорат характеридаги қурилиш маҳсулоти ва материалларини ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва таъминлаш ҳамда амалга ошириш; қурилишга хизмат кўрсатиш ва янги ишга туширилган объектнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуини бажаради.

Республикадаги мавжуд инжиниринг компанияларини фаолият йўналиши жиҳатидан қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1-гуруҳга - қурилиш ва қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш ва 2-гуруҳга эса - тайёр қурилиш объектлари, қурилиш материаллари ва бошқалами ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш жараёнларининг нормал кечиши билан боғлиқ бўлган хизматлар билан шуғулланувчи компаниялар.

Консалтинг - бу ихтисослаштирилган компанияларнинг қурилиш материаллари саноатидаги қурилиш-монтаж ташкилотлари ва корхоналарига барча иқтисодий масалалар, шу жумладан уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича маслаҳатлар бера оладиган мақсадли фаолиятidir. Қурилиш мажмуасида консалтинг компаниялар қурилиш хизматлари ва материаллари бозорини тадқиқ қилиш ва башорат қилиш; жаҳон бозорлари, биринчи навбатда яқин давлатлар бозори конъюнктурасини тадқиқ этиш; инвестиция лойиҳаларининг техникаиқтисодий асосини ишлаб чиқиш; қўшма корхоналарни барпо этиш ва бошқалар билан шуғулланади.

Миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида каби, қурилиш соҳасида ҳам рақобат муҳитини ривожлантириш механизми асосида кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун қурилиш соҳасида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш, акциядорлик компаниялари ва жамиятларини бошқа мулк шакллардаги корхоналарга айлантириш жараёнларини такомиллаштириш, соҳада хизмат қилувчи янги тузилмаларни, айниқса консалтинг, инжиниринг, лизинг ва ижара фирмалари ҳамда компанияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш учун етарли даражадаги қулай ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан имкониятларни яратиш талаб қилинади.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда республиканинг барча тармоқ ва соҳаларида модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёни амалга оширилаётганлиги каби қурилиш тармоғида ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ишлари фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, мутлақо янги тузилмалар: инжиниринг, консалтинг, лизинг ва ижара фирмалари ҳамда компанияларини пайдо бўлиши ва уларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, меъёрий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борада ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш, жаҳон стандартлари даражасида ахборот таъминоти ва иш юритишни ташкил этиш, уларнинг молиявий таъминоти каби муҳим принципиал вазибаларни ҳал этишда принципиал ва тизимли жиҳатдан ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жумаева, З. К., & Расулова, Н. Н. (2019). Инновационный путь развития экономики Узбекистана. *Теория и практика современной науки*, (5 (47)), 224-226.
2. Жумаева, З. (2023). МИРОВОЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. *Nashrlar*, 318-321.
3. Jumayeva, Z. (2024). DEVELOPMENT OF CREATIVE INDUSTRIES AS A FACTOR OF GROWTH OF NATIONAL ECONOMY: REVIEW OF FOREIGN EXPERIENCE AND PROSPECTS FOR THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Modern Science and Research*, 3(2), 241-246.
4. Жумаева, З. К. (2024). Необходимость инновационного подхода в управлении организациями.
5. Жумаева, З. К. (2016). Эффективность стратегического управления предприятием. *Наука и образование сегодня*, (2 (3)), 60-62.
6. Jumayeva, Z. Q. (2017). THEORIES OF ENSURE STABILITY IN LABOUR MARKETS OF DEVELOPED COUNTRIES. *Инновационное развитие*, (4), 64-66.
7. Ruzmetov, B., Ruzmetov, S., Bakhtiyarov, S., Dzhumaeva, Z., & Juraev, K. (2023). Formation of supporting points for production growth based on diversification of the regional industry. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 449, p. 01001). EDP Sciences.